

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

1995 йил 28 июнь, чоршанба

№ 51 (10.727)

Эркин нархда сотилади

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИНИНГ ИЧКИ ЭРКИН АЛМАШТИРИЛИШНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Миллий валютани мустақамлаш ва унинг ички эркин алмаштирилишини таъминлаш, республикага чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва истеъмол бозорини тўлдириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида операцияларни янада эркинлаштиришни амалга ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг миллий валюта-сўмини эркин муомаладада валютага эркин алмаштиришга бўлган талабини қондириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарур деб ҳисобланган.

Марказий банк ва ваколатли банклар нарх сўмларни эркин муомаладада валютага алмаштириш ҳажмларини кўпайтириш учун қўшимча ресурсларни қўшиб топсинлар, ушбу мақсадларга 1995 йилнинг иккинчи ярим йилида камда 120 миллион АҚШ долларини йўналтирсинлар.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида:

— Халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва улар билан республика ички бозорини тўлдириш билан банд бўлган;

— Экспортга, биринчи навбатда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг марказлаштирилган экспорт рўйхати киритилган махсуслот ва товарларни ишлаб чиқариш билан банд бўлган;

— Ўзбекистонда ишлаб чиқариш фаолиятидан белгиланган тартибда олинган фойда ва дивидендларнинг бир қисмини репатриация қилишни амалга оширувчи;

— Республика иқтисодиётининг базавий ва етакчи тармоқларидаги устувор лойиҳаларни амалга оширишда қатнашувчи хорижий сармоя иштирокидаги қўшма корхоналар, жисмоний ва юридик шахслар эркин муомаладада валютага айлантириш ҳуқуқига кўпроқ эга бўладилар.

3. Белгилаб қўйилсинки,

1995 йилнинг 1 июлидан бошлаб кўрсатиб ўтилган корхона ва ташкилотларга, уларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар, нарх сўмларни эркин муомаладада валютага айлантириш Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида ваколатли банкларнинг талабномалари асосида қуйидаги мажбурий шартларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади:

— Хорижий шериклар билан тузилган контрактлар, шунингдек, ваколатли банкнинг эксперти хулосаси мавжуд бўлиши;

— Хорижий валютани маблағларни сўмлардан олинган эҳтиёт қилиб қўйган ҳолда корхоналарнинг фақат ўз маблағлари ҳисобига сотиб олиш;

— Корхоналарнинг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича қарзларнинг, махсуслот етказиб берувчилардан ва банк суддалари бўйича муддатли ўтиб кетган қарзларнинг йўқлиги.

4. Эркин муомаладада валютага алмаштириш бўйича валюта операцияларини ўтказишни ва ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлардан белгиланган мақсадда Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида фойдаланишни, шунингдек, уларда жисмоний ва юридик шахсларнинг қатнашиши учун бир марта ружаст бериш юзасидан қарорлар қабул қилишни назорат этиш пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссиясига юклансин. Комиссия таркиби қайтадан тасдиқлансин.

5. Комиссия Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида операциялар ўтказишнинг юқорида кўрсатиб ўтилган талабларга жавоб берадиган тартибини ўн кун муддатда тасдиқласин.

6. Белгилаб қўйилсинки, 1995 йилнинг 1 июлидан бошлаб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона ва ташкилотларга кредит бериш фақат Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади.

Эркин алмаштирилмаган

валютада кредитлар ажратиш назарда тутилган корхона ва ташкилотларга кўрсатиб ўтилган кредитлар ваколатли банклар томонидан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида, кейинчалик уни Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида эркин муомаладада валютага алмаштириш ҳолида ажратилади.

— Норматив ҳужжатларга тегишли ўзгаришлар киритилсинлар;

— Шу йилнинг III чорагида давлат қисқа муддатли облигацияларини чиқариш ва сотиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритилсинлар;

— Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда республикада ўз тайёр махсуслотини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида экспорт ва импорт божларини қайта кўриб чиқиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритилсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки миллий валюта-сўмини мустақамлашга йўналтирилган маблағлар ҳажмининг янада кўпайтириш мақсадида 1996 йил 1 январьгача республиканинг олтин-валюта ресурсларининг Марказий банкка бериш тўғрисида тақлифлар киритилсинлар.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 майдаги 234-сон қарорига илова ўз қўшимча қилиниши керак;

13. Маққур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов зиммасига юклансин.

амалга оширишнинг белгиланган тартибига сўзсиз риоя қилишлари устидан мунтазам назоратни таъминласинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк бир ҳафта муддатда:

— Норматив ҳужжатларга тегишли ўзгаришлар киритилсинлар;

— Шу йилнинг III чорагида давлат қисқа муддатли облигацияларини чиқариш ва сотиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритилсинлар;

— Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда республикада ўз тайёр махсуслотини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида экспорт ва импорт божларини қайта кўриб чиқиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритилсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки миллий валюта-сўмини мустақамлашга йўналтирилган маблағлар ҳажмининг янада кўпайтириш мақсадида 1996 йил 1 январьгача республиканинг олтин-валюта ресурсларининг Марказий банкка бериш тўғрисида тақлифлар киритилсинлар.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 майдаги 234-сон қарорига илова ўз қўшимча қилиниши керак;

13. Маққур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРИМОВ Тошкент шаҳри, 1995 йил 27 июнь.

## НАВБАТДАГИ БОСҚИЧ — ҲИССАДОРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИНИНГ СЕМИНАР-КЕНГАШИ

Шу йил 26 июнь куни вилоят фаолларининг ҳиссадорликни янада жадаллаштириш ва тақомиллаштиришга бағишланган семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Бу анжуманда вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, шаҳар, туман ҳокимликлари хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлимлари бошқаруви, ийрик саноат, қурилиш, транспорт ташкилотлари раҳбарлари, ҳиссадорлик жамиятлари раислари, акциялаштиришни лозим бўлган корхоналар раҳбарлари қатнашдилар.

Шунингдек, семинар-кенгашида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат масоҳатчиси Т. А. Азимов, бир қатор вазирлар, уюшмалар, концернлар раҳбарлари, республика Давлат қўмиталари раисларининг ўринбосарлари, Президент девонининг масъул ходимлари иштирок этишдилар. Семинар-кенгашида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат масоҳатчиси Т. А. Азимов бошқариб борди.

Анжуманда «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 июнда қабул қилган «Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштириш жадваллаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-и Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ушбу масала юзасидан қабул қилган қароридан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида»-и масала муҳокама этилди.

Семинар-кенгашида мазкур масала бўйича республика Давлат мулк қўмитаси раисининг ўринбосари Р. Т. Раҳимжонов маъруза қилди.

Шунингдек, анжуман иштирокчилари бу масала юзасидан вилоят ҳокими Э. М. Рўзиевнинг маърузасини ҳам тингладилар.

Сўнгги Президент девонининг бош мутахассиси Г. Г. Дурнов давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини тақомиллаштиришда вилоятда амалга оширилган ишларни батафсил таҳлил этиб берди.

Семинар-кенгашида муҳокама этилган масала юзасидан Олмаликдаги «Тафтин» ҳиссадорлик жамияти раиси М. Умаров, Чирчиқ шаҳар «Хиссақимё» ҳиссадорлик жа-

мияти раиси В. А. Волгин, Окқўрғон туманидаги «Оққўрғон» жамоа ҳўжалиги раиси У. Мирзақўлов, Чирчиқ шаҳар «Чирчиқсў» ҳиссадорлик жамиятининг раиси А. В. Фозлов, Янгийўл ёғ-мой акционерлик жамияти раиси М. Худоёров, «Вилоят йўловчи» билашмаси раиси Қ. Сиддиқназаров, «Вилоятоктрэн» концерни бош директори С. М. Юсупов, вилоят қишлоқ ҳўжалик таъминот-таъмирлаш билашмаси раиси Х. Қ. Қудратов ва бошқарув ҳиссадорлик жамиятларида акциялар чиқариш, қимматли қоғозларни сотишни йўлга қўйиш, бу борада ўзлари эришган дастлабки натижалар ва мавжуд муаммолар ҳақида гапирдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, семинар-кенгаши эркин, ишчилик ва юксак уюшқоқлик руҳида ўтди. Унинг иштирокчилари анжуманда қатнашган республика раҳбарларидан ҳиссадорлик жамиятлари акцияларини чиқариш, уларни қай тартибда тақсимлаш, акциялар қайси босмақоналарда босилмасини қонуний ҳисоблашнига даҳадор қатор саволларга жавоблар олдилар. Шу қўнғача ўз акцияларини чиқариб, уларни сотишда тажриба орттирган бир неча ҳиссадорлик жамиятлари, корхоналар раҳбарлари ўз тажрибалари хусусида сўзлаб бердилар.

— Биз ҳаммамиз бу соҳани янада юктароқ қилиб олишимиз керак, — деди семинар кенгашидаги қисқача нутқда республика Президентининг Давлат масоҳатчиси Т. А. Азимов, — раҳбарлар тортиб олдий меҳнатқашғача акциялаштиришнинг ҳўюсини чуқур тушуниб олгандагина бу иш янада муваффақиятли боради ва унинг самараси тезда кўринади.

Темур Азаматович анжуман қатнашчилари эътиборини бу борадаги ишларни жадаллаштиришга, янгиликни жорий этишдаги қўнғозлик, тўраларча муносабат ва бошқа тўе-қилишларни тезроқ бартараф этиш лозимлигига қаратди.

Семинар-кенгаши вилоят ҳокими Э. М. Рўзиев яқунлади. У Президентимизнинг шу йил 12 июнь фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг мазкур фармонида оид қарорини, иқтисодий ислохотларнинг навбатдаги босқичини амалга оширишда, ҳиссадорлик жамиятлари фаолиятини ўрғаниб боришда қатти аҳамиятга эга бўлган бундай мулоқотлар вақти-вақти билан ташкил қилиниб борилишини қайд этди.

## «ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА»

26 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйда мамлакатимиз Президентининг Исом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» номли икки китобини таъиништириш маросими бўлиб ўтди.



Унда хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари раҳбарлари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Маросимни Президентнинг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст очиб, муаллифининг ушбу китобда акс этган мулоҳазалари, Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг чуқур таҳлили ва истиқболли хусусидаги фикрлари билан йиғилганларни қисқача таништирди. Бош вазир ўринбосари

Б. Ҳамидов, ташқи ишлар вазирини А. Комилов ва сўзга чиққан бошқа кишилар мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини тўла шакллантириш, ислохотларнинг иккинчи босқичи ва Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиёти тизими билан яқинлашуви жараёнида мазкур асар муҳим қўлланма бўлишини таъкидладилар.

«Ўзбекистон» нашриёти томонидан ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилган китоб икки қисмдан иборатдир. Унинг биринчи қисми-

да иқтисодий ислохотларнинг дастлабки яқунлари ва сабоқлари таҳлил этилса, иккинчи қисмида ислохотларнинг навбатдаги босқичида бажариладиган вазифалар ҳамда устувор йўналишлар ўз аксини топган.

Маросим қатнашчилари ушбу китоб Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг ўзига хос томонларини ўрғанишда муҳим манба бўлишини таъкидладилар. (УЗА).

## Вилоят ҳокимлигида Мухомаров муборак!

МАТБУОТ ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан вилоят тараққиётга қўнган муносиб ҳиссаси, самарали меҳнати ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаолияти учун бир гуруҳ журналистлар Тошкент вилоят ҳокимлигининг Фахрий Ерлиги билан тақдирландилар. Улар орасида матбуотчилар, «Тошкент ҳақиқати» ва «Тошкентская правда» газеталарининг қуйидаги ходимлари ҳам бор:

- А. МИРЗАМУҲАМЕДОВ — «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг бирлашган газета шеф-саҳифаловчи оператори.
- Ш. ОБИДОВА — «Тошкент ҳақиқати» газетаси муҳбири;
- В. СИНЯГИН — «Тошкентская правда» газетаси масъул котиби;
- Ш. УМУРЗОҚОВ — «Тошкент ҳақиқати» газетаси масъул котиби ўринбосари;
- Ю. ЧЕРНОГАЕВ — «Тошкентская правда» газетасининг бўлим мудирини;
- К. ЭГАМБЕРДИЕВА — «Тошкент ҳақиқати» газетаси мусавҳуҳи.

Мукофот муборак, ҳамкасблар!

## ҚУЧЛАЙМИЗ!

БИЗГА ҳам «Дилдаги гаплар»ни айтиш пайти келди. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг «Йилнинг энг яхши журналистик иши» учун ўтказилган курик-танловини қўллаб-қувватлашга газетаимиз адабиёт ва санъат бўлими мудириси — Зарифа Эралиеванинг бўлиши қалбимизни қўнғача тўлдирди, бошимизни осмонга етказди.

Сиз йил давомида «Аёл олами»дан сўзлаб, турли соҳа кишиларининг «Дилдаги гаплар»ни ўқувчиларга изчил ҳавола этиб, сўз гавҳарларидан шеърлар, лавҳалар битиб, бундай ютуққа эришдингиз. Сизни «Тошкент ҳақиқати» жамоаси номидан юксак мукофот билан табриқлаймиз.

## САҲОВАТ — МЕҲР-ШАФҚАТ ДЕМАҚДИР

Ижтимоий таъминот хизмати ходимларининг вилоят кўрик-танлови

АСОСИЙ Қўмисимизда «Хар ким қари-ганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳўлларида ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга» (39-модда) дейилган. Ижтимоий таъминот ходимлари эса ана шу қонуннинг ижрочиларидир. Уруш қатнашчилари, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, ногиронлар, меҳрга муҳтож кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, моддий ёрдам кўрсатиш, қорхоналарга мурожаат қилиб, санаторий-профилакторийга йўллаш, телефон ўрнатиб бериш каби масалаларда ижтимоий таъминот ходимлари фаоллик кўрсатишмоқда.

Олмалик шаҳрининг Кимёгарлар маданият саройида ана шундай саховатли касб эгалари — ижтимоий таъминот хизмати ходимларининг вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида кўриқдан ўтган 20 нафар ходим иштирок этди. Тадбирни Тошкент вилояти ижтимоий таъминот бошқармасининг бошлиғи Н. Назиров очди ва қатнашчиларнинг ҳар бирига беллашува муваффақияти тилади.

Танлов иштирокчилари ўзини таништириш, назарий билимларини синаш, ўз юр-

ти тарихини билиш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш борасидаги айрим муаммоларни очиб бериш ҳамда бўш вақтларида шуғулланидиган совибли машғулотлари — бадий санъат маҳоратларини намойиш этиш каби босқичларда ўзаро кўч синашдилар.

Қизиқарли беллашувлардан сўнғ ҳакамлар ҳайъатининг қарорига кўра Ўрта-чирик туман ижтимоий таъминот бўлими ходими Машҳура Сулаймонова голиб деб топилди. Шунингдек, Тошкент туманидан Раҳима Зоҳидова иккинчи ва Чирчиқлик, Фирдавс Фаниева ҳамда Оҳангарон туманидан Лазоқатхон Усмоновалар учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Голибга вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси қасаба уюшмаси ташкилотини номидан дам олиш учун санаторийга беғул йўлланма берилди. Тошқанбинлар олқишига сазовор бўлган 5-рақамли окқўрғонлик Гулчехра Фозиевани бошқарма бошлигининг биринчи муовини В. И. Арутюнян алоҳида мукофот билан табриқлади. Қатнашчиларнинг ҳар бирига ёсаллик совғалари топширилди.

Ш. ОБИДОВА.

## КИМ ОШДИ САВДОСИ БЎЛИБ ЎТДИ

ҚИБРАЙ туманида биринчи марта ким ошди савдоси бўлиб ўтди. Унда дастлаб «Маданият» жамоа ҳўжалиги худудидаги ер майдонлари савдога қўйилди.

Бошланғич нархи 26 минг сўм бўлган ер майдони 47,5 минг сўмга сотилди. Байтқўрғон қишлоғининг қойнониси бошланғич нархи 205 минг ўрнига 610 минг сўмга харид қилинди.

Қизил савдо вилоят йўловчилар ташқи автоконтрерни олдидаги ошхона, Кўприкбоши қишлоғидаги ошхона ва оталар қойнониси ҳам бўлди. 2-рақамли харидор дастлабки 58 минг сўм қилиб белгиланган вилоят йўловчилар ташқи автоконтрерни олдидаги ошхонани 288 минг сўмга хусусий мулк қилиб олди.

Кўприкбоши қишлоғидаги «Бузув» канали соҳилида жойлашган сўлим ошхона бошланғич нархи 327 минг сўм ўрнига 1,5 миллион сўмга сотилди. Мазкур ошхона рўпарасидаги отахонлар қойнониси эса 280 минг сўм нарх билан ўз эгасини топди.

А. ФОЗИЛОВ.




Тадбиркорлар, сизлар учун!

# ВИЛОЯТ ЯРМАРКАСИ

## ОЛМАЛИҚДА БИРИНЧИ САВДО-САНОАТ ЯРМАРКАСИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

**Ярмаркада 150 дан ортиқ давлат корхоналари, бирлашмалар, ҳиссдорлик жамиятлари, кўшма, кичик корхоналар, ширкатлар, тайёрлов-савдо ташкилотлари, деҳқончилик саноати мажмуи корхоналари, хўжаликлар қатнашдилар. Улар салкам икки мингтага яқин турли-туман маҳсулотларни харидорлар ҳукмига ҳавола қилдилар. Бу буюмларнинг**

**кўпчилигини халқ истеъмоли моллари ташкил этади. Ярмаркада ўзаро ҳамкорлик қилиш, олди-сотди бўйича 81 та шартнома тузилди, уларнинг ҳажми эса деярли 110 миллион сўмликни ташкил этади. Ярмаркани Тошкент вилояти ҳоқими Э. М. Рўзиев бориб кўрди.**



Бозор иқтисодиёти ўзининг қонуни-қондалари, тартиб-тамоиллари халқ ҳўжалигининг барча тармоқларига кириб бормоқда. Албатта, республикамизнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётига унинг кўкқисдан кириши олди олинмоқда. У босқичма-босқич, аста-секинлик билан зарбаларни амалга оширишмоқда. Республикаимиз раҳбариятининг танлаган ва халқ томонидан тула қўллаб-қувватланган бу йўлни низоҳатда тутиб эканлигини, республикамиз учун мос эканлигини ҳамфикрларимиз ҳам, бир вақтлар унинг келажига, истиқболга ишончсизлик билан қараганлар ҳам тан олмақда.

### ОДДИЙ МИХДАН... РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОГАЧА

Савдо-саноат ярмаркасининг расмий очилиш пайти эрталаб соат тўққиз деб эълон қилинганга қарамай, Малайянинг саройи ичи ва атрофи анча барвақт гавжумлашиб кетган, файзи ўзгача эди. Ҳомаки пештахталарга турли-туман маҳсулотларнинг намуналари қўйилган эди. Уларни санаб саногита етиш амри маҳол. Мураккаб машинасозлик, электротехника маҳсулотларидан тортиб кундалик рўзгор учун зарур бўлган буюмларгача бор эди. Қисқа қилиб айтганда булса, оддий миҳдан рангли телевизорларгача, қишлоқ хўжалик машина-механизмларигача ўз харидорлари ҳукмига ҳавола этилган эди. Харидорлар ва ўз маҳсулоти намуналарини ярмаркага қўйганлар ўртасида ўзаро мулоқот қизгин тус олиб кетди. Дастлабки шартномалар ҳам тузилди, улар ярмарка ташкилий қўмитаси томонидан рўйхатга олина бошланди.

ти вакиллари бу ерга ташриф буюрдилар. Бундан ташқари, Жиззах, Сирдарё вилоятларидан келганлар ҳам меҳмон бўлдилар. Улар ярмаркага қўйилган маҳсулотларни харид қилиш бўйича ният-баённомалар ҳам туздилар... Ярмарка бўйлаб сайр қилар экансиз, вилоятимиз саноатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўп ва хилма-хил эканлигига ана бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Бу ерда кенг истеъмол буюмлари кўпчилигини ташкил этганлигининг гувоҳи бўласиз. Бундан бир неча йил илгари фақат собиқ иттифоқнинг бошқа худудларидан келтирилган кундалик эҳтиёж маҳсулотларини ишлаб чиқаришни вилоятимиздаги корхоналарга ўзлаштирилганлиги ва бу жараён кенг қўламда давом этаётганлиги кўз олинганда намён бўлади. Албатта, бу қувончли ҳодиса.

Катта-кичик ҳар бир корхона намойиш этаётган кенг истеъмол маҳсулотлари тури ва ҳажми йилдан-йилга кўпайиб бораётганлигини кўрсатуви жадваллар... Малайя, Чирчиқдаги биргина Ўзбекистон кимё машинасозлиги корхонасида бу йил ишлаб чиқарилаётган кундалик эҳтиёж моллари тури олтига бештага етди. Бу 1993 йилдаги нисбатан эса икки баравар кўлдир. Бундай маҳсулотларни тайёрлаш ҳажмининг ортиси эса ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан саккиз фоизни ташкил этган.

### У ДОИМИЙ БЎЛИШИ КЕРАК

Савдо-саноат ярмаркаси қатнашчиларининг ақиллик билан билдирган фикрлари шундай бўлди.

**Ярмаркалар тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни замон талаблари асосида ташкил этиш, маҳсулотлар сифатини яхшилаш, рақобатбардошлигини кучайтиришда катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам республикамиз Президенти Ислоом Каримов ўзининг Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 16 майда бўлиб ўтган мажлисида сўзлаган нутқида мутасаддилар эътиборини «Тадбиркорлар ўз маҳсулотларини сотишлари, зарур материалларни харид қилишлари мумкин бўлган ярмаркаларни ташкил этишга ва ўтказишга...» қаратди.**

Олмалик рўзгор кимёси заводи маҳсулотларига чиққан дастлабки харидор Тошкент вилоят матбуот жамияти уюшмасига қарашли «Сардор» ҳиссдорлик жамияти вакили бўлди. Икки ўртада беш юз минг сўмлик маҳсулотлар — турли хил ювиш воситалари, шампунлар ва бошқа шу каби кундалик эҳтиёж буюмларини етказиб бериш — олиш юзасидан шартномага имзо чекилди. Биринчи харидорнинг кўпи энгил экан шекшили, сотувчиларга мурожаат қилувчиларнинг кети узилиш қолди. Ҳозир шартнома тузилди шунинг истагини билдирган бошқа харидорлар ҳам бирин-кетин кела бошладилар...

Шу вақт суҳбатдоннинг савдо-саноат ярмаркасини очиб деб эълон қилган сўзлари радиокорнаиллари орқали тевақар-атрофга таралди. У ҳаммани бу табирида фаол қатнашишга, ярмарка самарали ва ташкилий томондан юқори даражада ўтишига ҳисса қўшишга даъват этар экан, бугунги кўчма савдода Марказий Осиёдаги айрим мамлакатлар, шунингдек, республикамизнинг қатор вилоятлари вакиллари ҳам қатнашаётганлигини айтди.

Вилоят шаҳарларидаги бошқа саноат корхоналари жамоалари ҳам ярмаркада фаол қатнашдилар, улар асосан ўзлари ишлаб чиқараётган кенг истеъмол маҳсулотларини намойиш қилдилар. Уларнинг намойишхоналари олди лойи харидорлар, томошабинлар билан гавжум бўлди. Олмаликдаги «Белизна» аккумулятор ишлаб чиқарувчи жамият Янгийўлдаги «Металлпластмасса» ҳиссдорлик жамияти билан бир миллион сўмлик маҳсулот харид қилиш бўйича шартнома тузди. Очқ тураги «Газалкент ойна» ҳиссдорлик жамияти ишлаб чиқарилаётган рангли шиша буюмлар — гулдонлар, қадақлар, қулдонларга ҳам харидорлар кўп бўлди. Бу корхона биргина «Сардор» ҳиссдорлик жамияти билан беш юз минг сўмлик маҳсулот етказиб бериш ҳақида келишиб олди.

### ЎЗБЕКИСТОН ИСИҚҚА ЧИДАМЛИ «САВДОКАРТОНСАВДО» ҲИССДОРЛИК ЖАМИЯТИ МАРКЕТИНГ БЎЛИМИНИНГ БОШЛИГИ

— Корхонамиз яқинларгача картон таралари комбинати, деб юритиларди. У давлат тасаруфидан чиқарилиб, ҳиссдорлик жамиятига айлантирилди. Эндиликда у мустақил бўлиб қолди. Жамиятимиз акциялар чиқарди ва уларни жамоа ўртасида ҳам, бизга ташқарида шериклар бўлиш истагини билдирган ҳам сотдик. Натижаси ёмон бўлмади. Тушган пул маблағлари иқтисодий аҳолиимизни барқарорлаштиришга ёрдам бермоқда. Мустақил бўлган яхши, ҳеч кимга бўйсунмайсан, ҳеч кимга тобе бўлмайсан, ҳамма муаммоларни мустақил ҳал қиласан, ишлаб чиқаришни янги талаблар, бозор талаблари асосида ўзгартириб бериш имконига эга бўласан. Айни вақтда мустақил ишлаш маъсулиятни кескин оширди. Маҳсулот ишлаб чиқариш, уни сотиш билан ҳам ўзимиз шуғулланаяпти.

Вилоятимизда биринчи марта ташкил этилган ва шу йилнинг йигирма тўртинчи июнида Олмаликда ўтказилган савдо-саноат ярмаркаси ҳам шуларнинг бири бўлди. Унинг асосий мақсади шаҳар ва туманлар корхоналарида амалий ҳамкорликни яхши йўлга қўйиш, яқин ҳоржий мамлакатлардаги шериклар билан олдинги алоқаларни тиклаш, чет элдан валютани келтирилаётган қатор маҳсулот турларини бевосита шу ерда тайёрлашни, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қўмақлашишдан иборат эди.

Бундай савдо-саноат ярмаркаси биринчи марта ўтказилаётганлиги учун унга тайёргарлик ишлари барвақт бошланди. Аввало, шунга айтиш керакки, Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда вилоят давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси уни уюштириш ташаббускорлари бўлишди. Тузилган маҳсул ташкилий қўмита барча тайёргарлик ишларига бош-қош бўлди. Йўриқномалар, маълумотномалар, шартнома ва рақамлари намуналари ва бошқа шу каби ҳужжатлар тайёрланди ҳамда олинган барча шаҳар ва туманлар ҳокимликларига, тегишли бошқармалар ва бўлимларга юборилди. Жойларда ҳозирлик ишларининг бориши назорат қи-

миз. Шунинг учун комбинат номини «Саноаткартонсавдо» деб ўзгартирдик.

Ҳозирги вақтда корхонамиз мавжуд ишлаб чиқариш қувватининг 95 фоизи даражасида ишлаяпти. Бизда хом ашё асосан макултурлардир. Ҳозир у етарли. Целлюлозани эса маҳсулот алмаштириш тартиби билан Россиядан олиб келиб турибмиз. Жамоамиз аъзолари вилоят савдо-саноат ярмаркасини ўтказиш ҳақидаги хабарни хурсандчилик билан кутиб олди. Бу ерда маҳсулотимизга харидорлар кутганимиздан ҳам кўпроқ топилди.

Дастлабки соатдаёқ тўртта корхона-ташкilot билан 4,5 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома тузди. Олмаликдаги «Ширинлик» қандолатчилик ҳиссдорлик жамияти, Янгийўлдаги «Эски қовунчи» ҳиссдорлик жамияти, биюкимё заводи шулар жумласидандир. Бундан ташқари, қатор харидорлар билан кейинчалик шундай шартномалар тузишга келишди. Бу ишнинг анча енгиллашди. Демак, ярмарка фақат фойда келтирди. Шунинг учун уни тез-тез уюштириб туриш лозим. Агар вилоятимизда доимий шундай ярмарка ишлаб турса айни муддао бўлар эди.

### Т. АЛИХУЖАЕВ — Паркентдаги супермаркет дўкони директори:

— Бундай ярмаркалар савдо ташкilotлари учун жуда кўп келар экан. Биз харидор кўпроқ таълашманг, у сотувчи ёки харидор, томошабин ёки шунчаки уни кўздан кечиришга кирган бўлмасин, бу талбир ҳаммада яхши таассурот қолдирганлигини, катта қизиқиш уйғотганлигини, бундай ярмаркаларни тез-тез уюштириб туриш, иложи бўлса, доимий бўлиши лозимлигини, бундан фақат наф қўрилишини таъкиллади. Турли тоифа, касб кўшиларининг бундай муштарак ва яқдил фикри диққатга сазовордир.

### Ў. МИРЗАЕВА — Ангренадаги «Саноаткартонсавдо» ҳиссдорлик жамияти маркетинг бўлимининг бошлиғи:

— Корхонамиз яқинларгача картон таралари комбинати, деб юритиларди. У давлат тасаруфидан чиқарилиб, ҳиссдорлик жамиятига айлантирилди. Эндиликда у мустақил бўлиб қолди. Жамиятимиз акциялар чиқарди ва уларни жамоа ўртасида ҳам, бизга ташқарида шериклар бўлиш истагини билдирган ҳам сотдик. Натижаси ёмон бўлмади. Тушган пул маблағлари иқтисодий аҳолиимизни барқарорлаштиришга ёрдам бермоқда. Мустақил бўлган яхши, ҳеч кимга бўйсунмайсан, ҳеч кимга тобе бўлмайсан, ҳамма муаммоларни мустақил ҳал қиласан, ишлаб чиқаришни янги талаблар, бозор талаблари асосида ўзгартириб бериш имконига эга бўласан. Айни вақтда мустақил ишлаш маъсулиятни кескин оширди. Маҳсулот ишлаб чиқариш, уни сотиш билан ҳам ўзимиз шуғулланаяпти.

### Т. МАМАТҚУЛОВ — Олмалик шаҳар ҳокимлигининг бўлим мудири:

— Илгари хом ашё, материал, тайёр маҳсулотни қидириб овера бўлинмас, ҳаммаси қатъий белгиланган режа асосида етказиб бериларди. Уни бажармаслик катта нуқсон ҳисобланарди. Бозор иқтисодиёти ва унга ўтиш



шароитларида эса бундай тартиб барҳам топди. Ҳозирги вақтда олтувчи ҳам, сотувчи ҳам бир-бирини излаб юради. Ярмаркалар эса бунга аниқлаштирди. Бунга аниқлаштирди айрим саноат корхоналари мисолида ҳам кўрдик. Олмалик кон-металлургия комбинати, «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тафтинг» гилам фабрикаси ва бошқа корхоналаримиз бу йилдан бошлаб ўз маҳсулотларининг кўргазмаларини уюштирмоқдалар. Унга атрафдаги корхона-хўжаликлар вакиллари таклиф этилади. Шу тариқа бир томондан бозор талаби, яъни маркетинг ўрганилса, иккинчи томондан эски ва янги мижозлар билан маҳсулот етказиб бериш юзасидан келишиб олинади. Ярмарканинг афзалликлари кўп, аввало унинг камрови кенг. Шундай бўлган, савдо-сотиқ ҳажми ҳам катта, тури ҳам кўп бўлади.

Бир сўз билан айтганда, ярмаркалар керак экан. Унинг дастлабкисизёқ ўз самарасини кўрсатди. Бундай тадбирни давом эттириш, мумкин бўлса, доимий бўлишига эришиш лозим. Уларнинг албатта саноат минтақаларида бўлгани яхши. Туманимиз

тадбиркорлари ақиллик билан шундай фикр билдирдилар. Улар биринчи ярмарка ташкил этилганлиги учун унинг уюштирувчиларига миннатдорчилик ихор этадилар ва у охиригиси бўлмади, деб қатъий ишонч билдирдилар.

**М. САИТБОВЕВ** — савдо-саноат ярмаркасини ўтказиш ташкилий қўмита аъзоси, Тошкент вилояти давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бўлими бошлиғи:

— Аввало, бугунги тадбирда вилоятимиздаги барча шаҳарлар ва туманлар фаол қатнашганлигини таъкиллад ўтиш лозим. Унга ҳозирлик ишлари барвақт бошланганлиги учун ҳам шундай бўлди.

Ҳозирги иқтисодий аҳвол ярмаркани доимий ишлайдиган қилиш лозимлигини тақозо этмоқда. Бу яқин келажакда амалга ошди. Бугун ўтаётган биринчи савдо-саноат ярмаркаси бунинг учун бир босқич ролини уйнади.

**М. МИРҲАМИДОВ**, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



Савдо-саноат ярмаркасининг олинган лавҳалар.



Даврон АҲМАД сўзлагани.

Кера — матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ўз касб байраklarини нишонладилар

ЖУРНАЛИСТЛАРГА МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси котибияти утказган «Йилнинг энг яхши журналистик иши» учун аяганавий кўрик-конкурси аяланди. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси мукофоти лауреати уюшмага Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги халқаро ахборот тахририяти бош мухбирини Амиркул КАРИМ, «Ўзбекистон овози» газетасининг бўлим мудирини Норқобил ЖАЛИЛ, «Халқ сўзи» газетасининг катта мухбири Раул ЖУМАЕВ, шу газета бўлим мудирини Мукаррама МУРОДОВА, «Спорт» газе-

тасининг бош мухбирини ўринбосари Асрор МУМИН, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бўлим мудирини Аҳмад ОТАБОВ, «Бухоро ҳақиқати» газетасининг бош мухбирини Тошпўлат АҲМАД, журналистлар Рашид АСЛОНОВ, Исқандар РАҲМОН, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг бўлим мудирини Зарифа ЭРАЛИЕВА, «Бекобол ишчиси» газетасининг мухбирини Абдурахим БОБОНАЗАРОВ, Олтиариқ тумани «Давр овози» газетасининг мухбирини Олимжон ҲАКИМОВ, Тўрақўрғон тумани «Машғал» газетасининг бош

мухбирини ўринбосари Соҳиб САЙХУН, «Биржевой вестник Востока» газетасининг бош мухбирини Галина ЧЕБАКОВА, «Ўзбекистон-контакт» журналининг ҳолими Азизахон ТҮЙЧИБЕКОВА, Ўзбекистон телевидениеси юктимойи-сўбейли кўрсатувлар бош тахририяти мухбирини Рўзбой ҚҮЛДОШЕВ, республика радиосининг сўнгги ахборот тахририяти шарҳловчиси Аҳмаджон БУЭРУКОВ сазовор бўдилар.

Ҳамкасбларимизни мукофот билан чин дилдан қўлаймиш. (УЗА).



ГАЗЕТАНИНГ сифатли чикими ва газеткон қўлига ўз вақтида етиб бориши «Шарк» нашриёт-матбаа концернини бирлашган газета ва радио ишчи-хизматчилари меҳнатига боғлиқдир. «Тошкент ҳақиқати» газетасининг даяри ҳар бир сони Тўғрўн Абдуллаев, Равайн Жўрабоев ва комплекс бошлиғи ўринбосари Муллажон Абдурахмоновлар сингари тажрибали мутахассислар қўлидан ўтади.

ИЗЧИЛ АКЦИНИ ТОПСА...

ҲАР КҮНИ бир соат вақтим газеталарни синчиқлаб ўқиш билан ўтади. Бу менга одат бўлиб қолган. Чунки, табириқор одам кундалик воқеалардан мутазам хабардор бўлиб бораётганда, узағиб бораётган турмушнинг таабларига мос иш тута олади. Газеталар саҳифаларида мени кўпроқ ҳаётдан мустақкам ўрни олаётган бозор муносабатлари ва илчиллик билан жорий этилаётган иқтисодий ислохотлар қизиқтиради. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейингина ана шундай туб ўзгаришлар рўй беришти.

Ушбу оқидий муҳандис элим. Тўрт йилдики, табириқор ва ишбилармонлик «қучиси» кирдим. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда шу йўналишда амалга оширилаётган барча ишлар,

янгилликлар, шу соҳадаги тажрибалардан доимо бохабар бўлиб боришга ҳаракат қиламан. Кўп тармоқли корхонамизни янши ниятлар билан «Бахт» деб атаганмиш. У ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган. Ҳар бир ишчи ўз акциясига эга. Корхона эгаси жамоа бўлгани сабабли кичирим-чикимлар, даромаднинг ҳар бир сумидан фақат фойда келтирилган тарзда фойдаланиш, ҳар бир иш жарийи ва унинг натижаси билан қизиқиб боради. Жамоа талаби билан тежамкорлик, қаттиқ интизом асосий мезонга айланган. Корхона ташкил топган кундан бошлаб фақат фойда олиб

Истардикки...

Явабад КАРИМОВ, Юқоричиқчи туманидаги «Бахт-ПДА» акционерлик жамиятининг раҳбари.

БИЗ — «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИДАНМИЗ

«ТОШКЕНТ» студиясининг иқидий ходимлари ўз эшиттиришларида тингловчиларнинг дардини тинглаш ҳамда уларни қийнаётган масалаларни қат қилишга кўмаклашиш ниятида ўтган йилнинг бошларида «Бевосита мулоқот» эшиттиришини ташкил қилди. Студияга ўрнатилган телефон рақамларини тез-тез такрорлаб, мувожаат этаётганларнинг саволларига жавоб беришни уюштирдик. Бир соат давомида телефонлар тинмай жиринглаб турди. Демак, тингловчилар биздан нимадир кутапти. Амалий ёрдам кўрсатишимиздан умидвор. Бевосита мутахассисларнинг уларга берган жавоблари, амалий ёрдамларнинг мудатларини белгилаб қўйишлари, эшиттиришнинг таъсирчанлигини оширди. Ана шундан сўнг ҳар ҳафтанинг чоршанба куни бир соат давомида бевосита мулоқот эшиттириши хаво мавжларига чиқа бошлади. Бир гал суд-прокуратура ходимларини кейин эса туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарларини, бошқа эшиттиришимизда эса хўжалик раҳбарларини радио-тингловчилар билан узма-юз қилиб қўйдик. Улар саволларга мавжуд қонун-қоидалар доирасида жавоб бердилар. Мужмал масалаларни ҳал қилиб беришни ўз зиммаларига олдилар. Шундан сўнг радио-тингловчилар бевосита мулоқот эшиттиришини сабрлиқ билан кутадиган бўлиб қо-

лишиди. Тиббиёт, давлат автотомобиль назорати, ижтимоий таъминот масалаларидаги саволлар кўпайди. Ана шу асосда кейинги эшиттиришларимизнинг режаларини тузиб, уларни амалга оширишга киришдик.

Гапнинг ростини айтганда, кейинги вақтда бизга билдирилётган миннатдорчилик, бевосита телефон гаштаги орқали айтилаётган раҳматлар кўнглимизга таскин бермоқда. Демак, биз мустақил республикамизнинг мустақиллигини таъминлаш учун

турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг масалаларига айланиб бораёмиш. Худди шу тўғу фаолият доирасини кенгайтиришга янги-янги рўкнлар очиб, турмушнинг иқир-чикирларига қириб боришга давлат аятапти. Ҳаёт ниҳоятда кенг қамровли ташуурча. Унинг барча жаҳалларини қамраб олишининг иложи йўқ. Шунга қарамадан турли рўкнлар очиб шилан эшиттиришларимиз мундарижасини кенгайтириш, таъсирчанлигини оширишга ҳаракат қи-

марта хаво мавжларига чиқади. Унда Тошкент шаҳри ва вилояти ҳаётига оид энг сўнгги хабарлар, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳадаги янгилликлар қамраб олинмоқда. Шу кун талабларидан келиб чиққан ҳолда эшиттиришларда давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатчилар, иқтисодчилар, турли соҳа мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари берилди. Ҳар кунги кўшимча равишда 15 дақиқа давом этадиган «Янгилликлар» эшиттириши ҳам энг сўнгги воқеалардан ха-

бардор қилади. Умуман олганда Тошкент студиясининг жамоаси бир ойда ўртача 125 соатли эшиттириш тайёрлайди. Уларнинг қўлими кенг. Уртача ташлаётган масалалари, муаммолари хилма-хил. Ота-бола, келин-куёв, қайнона-келин ўртасидаги муносабатлар қандай бўлиши керак? Бу саволларга кейинги вақтда ўзбек халқининг қадимий удумлари, талаблари асосида жавоб тайёрланаётганлиги, нуруний отахон ва онахонларнинг билдираётган фикрлари кўпчилиқка манзур бўлаётган. Дарҳақиқат, ўзбек халқининг ўз тарбия мактаби бўлган. Қизларни одобли, ҳаёли, ибולי этиб тарбиялаш, ўғилларни жасур, ростўй, меҳрибон кишилар қилиб улғайтириш, ана шу мактабининг асосий мезонини ташкил этади. Бу ҳақда ўтмишда яшаб ижод этган алломаларнинг, шоир ва мунажжимларнинг ёзиб қолдирган дурдоналаридан фойдаланиш яна таъсирчанликни кучайтирмоқда. Хулоса қилиб айтганда, студиямиз ижодкорлари радиотингловчиларнинг ишончларини оқлаш, уларнинг масалаларидош ва кўмақдоши бўлиш учун ҳаракат қилишмоқда.

**А. ДАМИНОВ,**  
«Тошкент» студиясининг бош мухбиринининг бош мухбирини.



Тингловчилар радиотўқинлари орқали мухбирин Назира Бойматовна, гуруҳ раҳбари Алишер Исмомидинов, бош мухбирини ўринбосари Исмомил Фаттоховларнинг ишончларини кўп марта эшитишган. Ҳар бир радио эшиттириш мана шундай қизгин муносабатлар ва узро фикрлашувлардан кейингина тўқинга узатилади.



Эшиттиришларни тингловчиларга ўз вақтида ва сифатли қилиб етказишда катта муҳаббатлар Хошимжўжа Сайдалиева ва Баҳодир Аҳмедовларнинг хиссалари катта.

Даврон Аҳмад олган сўрашлар.

лаялмиш. Аини вақтда давр руҳини ифода этиш ҳам эътиборимизда турипти. «Мустақиллик одимлари», «Тошкент ва тошкентликлар», «Қадр-қиммат», «Маҳалладошлар», «Тошкентнома», «Аёл қалби», «Оила», «Бахт излаб», «Одобинг — зийнатинг», «Саломатлик», «Сиз кутган учрашувлар», «02 тўқинида», «Мураббий», «Матонат», «Хамшахарлар, сизлар учун» деб номланган эшиттиришларимиз кўпчилик орасида ўз тингловчиларини топаётганига ишончим қомил. Ана шундай таъсирчанликни юзага чиқаришда Алишер Исмомидинов, Муқаддам Гафурова, Дилбар Мирҳожиева, Нигора Ҳамрова, Раъно Ортиқова, Инобат Усмонова, Асад Фозиллов сингари ижодкорларимизнинг хизматлари катта бўлаяпти.

Студиямиз ҳар тонг соат 6 дан 15 минут ўртанда ахборот-мусликий эшиттириш билан хонадонларга кириб боради. Бу эшиттириш кун мобайнида уч дақиқадан уч

**БОШҚОТИРМА**

1. Матбуот ходими. 2. Катта воқеалар тафсили. 3. Матбаа муассасаси. 4. Қўлема тайёрлаш жараёни. 5. Кичик ҳажмдаги китоб. 6. Бирон воқеа ҳақидаги батафсил маълумот. 7. Матбаа маҳсулотини ҳажми. 8. Иш қуроли. 9. Ҳақвий жариди. 10. Текст. 11. Адабий жанр. 12. Воқеа тафсилюти. 13. Муваққат нашр турларидан бири. 14. Маълум тартибда жамланган сўзати. 15. Тиллар билан шугулланувчи мутахассис. 16. Кенг қўлланилган араб ёзуви тури. 17. Билимлар мажмуаси. 18. Республикада нашр этиладиган жариди. 19. Лақаб. 20. Бет. 21. Илк ўзбек журналистларидан бири. 22. Воқеаном. 23. Муаллиф, ёзувчи. 24. Матбаа маҳсулотлари «туғруқонаси»

Тузувчи Шавкат ҲИДОЯТОВ.

**СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ**

**АХВОЛ МУРАККАБЛАШДИ**  
ЎЗБЕКИСТОН миллий олимпия тарма жамоаси ўз майдонида Козогистон футболчиларидан 1:2 ҳисобида мағлубиятга учрагандан сўнг «Е» гуруҳида ахвол янада мураккаблашди. Аввалдан тахмин қилингандек, бу гуруҳда навбатдаги босқичга чиқиш учун кураш асосан Козогистон ва Ўзбекистон футболчилари ўртасида бўлади. Козогистон олимпиячилари қолган уч ўйинни ўз майдонларида, мамлакатимиз вакиллари эса 12 августда Тошкентда Киргизистон футболчиларини қабул қилишга, иккинчи ўйинни сафарда ўтказадилар. Ягона йўлланама эгаси 3 октябрда Алматыда ўтказиладиган Козогистон-Ўзбекистон жамоалари учрашувида ҳал бўлиши кўтилимоқда.

**БОШЛАНИШИ ЯХШИ**  
ТОШКЕНТДА шахмат бўйича халқаро зона мусобақаси бошланди. Унда Марказий Осиё мамлакатлари ва Монго-

лиядан даввогарлар иштирок этишмоқда. Икки давралдан сўнг ватандошларимиз Тоҳир Воҳидов ва Шухрат Сафин бир яримтадан хол тўшлади. Александр Нешаев ҳисобида битта ғалаба бор ва бир ўйинни кечиктирган.

**ТАЭКВОНДОЧИЛАР ЮТУВИ**  
Варшавада таэквондо бўйича жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Унда 54 мамлакат, жумладан республикамиз спортчилари иштирок этиди. Ўзбекистонликлар Польша пойтахтидан 8 та кумуш ва 2 та бронза медал олиб келиди. Улар умумкоманда ҳисобида Корея, Аргентина ва Польша таэквондочиларидан кейинги тўртинчи ўринни эгалладилар.

Паркент туманидаги «Сўқок» жамоа ҳўжалиги маъмурияти сут — товар фермаси сотилишини

**МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**  
Манзилгоҳ Паркент тумани, Сўқок қишлоғи. Тел. 26-116.

• Мақолалар, вълон ва билдирувлардаги факт ҳамда даъволарнинг тўғрилигини учун муаллифлар, редаклар ва вълон берувчилар масъулдир.  
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

**ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ** • **ТОШКЕНТ НАҚИҚАТИ**

**Муассаси:** ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Мухаррир: **Фатҳиддин МУҲИДИНОВ**

Мандатимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар қўлиси, 32.

Штелефонлар: хотлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-90-48, 33-90-49, 33-90-50, 33-99-15, 32-57-27.